

Апелляция инстанциясида  
маърузачи: судья Б.Алиқулов

Биринчи инстанция судининг  
судьяси: А.Ахмадов

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА  
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНинг  
А Ж Р И М И**

**№ 1- 1416-2302/138**

2023 йил июль ойининг 25 куни Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи вилоят судининг судьяси Б.Алиқулов, ҳайъат судьялари О.Набиев ва Ҳ.Ярашовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси К.Каюмовнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори Н.Уразалиев, судланувчи С.С ва унинг ҳимоячиси – адвокат А.Кулмурадовнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг 2023 йил 13 июндаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан судланувчи

**С.С ()**, 1973 йил 4 апрелда Ургут туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Ургут тумани “Қуйиқишлоқ” маҳалласида яшаган, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганга

нисбатан чиқарилган ҳукм устидан судланувчи С.С ва уни ҳимоячиси А.Кулмурадовнинг шикоятига асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

**А Н И Қ Л А Д И :**

С.Сга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ва жазони манзил колонияларда ўташ белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, С.С, ўтказиш мақсадини кўзламай, ўзининг истеъмоли учун қонунга хилоф равишда яшаш уйида соф оғирлиги 0,07 грамм “героин” гиёҳвандлик моддасини сақлаб келаётганлиги 2023 йил 4 март куни соат 09:00ларда ИИБ ходимлари томонидан аниқланиб, кўздан кечириш давомида унинг яшаш уйи ошхонасидаги газ плитаси устида бўлган ялтироқ қоғоз тагидан гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилиш учун мўлжалланган 3 дона



металл сим бўлаги ашёвий далил тариқасида ҳужжатлаштириб олинган.

Судланувчи С.С ва унинг ҳимоячиси Ж.Кулмуродовнинг апелляция шикоятда, биринчи инстанция суди С.Снинг яшаш хонадонини тинтув қилиш пайтида кўп миқдордаги 0,07 грамм “героин” гиёҳвандлик моддасини ашёвий далил сифатида олишда ҳужжатларнинг расмийлаштирилишида йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатларига қонуний баҳо бермагани ҳамда суриштирув ва тергов органи томонидан жиноят-процессуал қонуни нормаларига риоя қилинмаганлигини синчковлик билан, тўла ва холисона текширилмаганлиги ҳамда суднинг ҳукмида С.Снинг айби исбот этилганлиги асослангандир, ИИБ ходимлари томонидан С.С ва унинг турмуш ўртоғи шахсий тинтув ўтказилишида қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги ҳақида важлар келтирилиб, суднинг қарорини бекор қилиб, С.Сни ЖПКнинг 83-моддасига асосан реабилитация этишни, Ургут туман ИИБ ЖКБ ходимларига нисбатан ЖКнинг 230, 230<sup>1</sup> ва 230<sup>2</sup>-моддалари билан жиноят иши қўзғатиш масаласини кўриб чиқиш учун ишнинг шу қисмини алоҳида иш юритувга ажратиб, прокурорга юбориш сўралган.

Судлов ҳайъати иш бўйича вилоят судининг судьяси Б.Алиқуловнинг маърузасини, прокурор Н.Уразалиевнинг шикоятни қаноатлантирмасдан қолдириш, судланувчи С.С ва унинг ҳимоячиси А.Кулмурадовнинг апелляция шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, апелляция шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қўйидаги асосларга кўра суднинг ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Биринчи инстанция суди томонидан иш тафсилотлари тўғри аниқланиб, судланувчи С.Снинг кўп миқдорда гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда сақлашда ифодаланган ижтимоий хавfli қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Шикоятдаги, биринчи инстанция суди суриштирув ва тергов органи томонидан жиноят-процессуал қонуни нормаларига риоя қилинмаганлигини синчковлик билан, тўла ва холисона текширилмаганлиги ҳамда суднинг ҳукмида С.Снинг айби исбот этилганлиги асослангандир, С.Сни ЖПКнинг 83-моддасига асосан реабилитация этиш ҳақидаги важлар билан келишиб бўлмайди.

Судланувчи С.Снинг суднинг ҳукмида баён қилинган жиноятни содир этганликдаги айби, унинг айбига қисман иқрорлик билдириб



берган кўрсатувларидан ташқари, гувоҳлар С.Махмаюсупов, Ҳ.Бозоров, Ш.Сатторов ва М.Рўзиевнинг суддаги кўрсатувлари, шунингдек жиноят иши ҳужжатларидаги билдирги, тинтув ўтказиш баённомаси ҳамда унга илова қилинган DVD диск, судга оид наркология экспертизасининг далолатномаси каби тўпланган объектив далиллар мажмуи билан тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Судлов ҳайъати, юқорида қайд этилган далилларга Ўзбекистон Республикаси ЖПК 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи назаридан баҳо бериб, улар ЖПКнинг 11-моддасида мустаҳкамланган қонунийлик принципига мувофиқ, жиноят-процессуал қонунида белгиланган тартибга қатъий риоя этилган ҳолда олинган бўлиб, уларни ишончга сазовор объектив далиллар деб топиб, судланувчи С.Снинг айбини исботловчи мақбул далиллар деб ҳисоблайди.

Шунингдек, жиноят иши биринчи инстанция суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 11-моддасида мустаҳкамланган қонунийлик принципига, шунингдек Олий суд Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 24-сонли Қарорининг тушунтиришларига, шу жумладан жиноят ишини юритишда, далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда жиноят-процессуал қонуни нормаларига қатъий амал қилиш шартлиги ҳақидаги тушунтиришларига риоя қилинган ҳолда юритилиб, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни, шу жумладан судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда ишда мавжуд бошқа далиллар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиб, уларга тегишли ҳуқуқий баҳо берилган.

Шикоятдаги, Ургут туман ИИБ ЖҚБ ходимларига нисбатан ЖКнинг 230, 230<sup>1</sup> ва 230<sup>2</sup>-моддалари билан жиноят иши қўзғатиш масаласини кўриб чиқиш учун ишнинг шу қисмини алоҳида иш юритувга ажратиш ҳақидаги важлар билан ҳам келишиб бўлмайди.

Чунки, жиноят иши ҳужжатларида, Ургут туман ИИБ ЖҚБ ходимлари томонидан С.Сни жинойий таъқиб қилиш мақсадида шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига зарар етказиш мақсадида далилларни ёки тезкор-қидирув фаолияти натижалари сохталаштирилганлиги, ғаразли ёки бошқа паст ниятларда ҳужжатларга ёхуд ашёларга била туриб ёлғон маълумотлар киритилганлигини намоён этувчи бирор-бир ҳолат ёки ишончга сазовор далил мавжуд эмас.

Шу боис, судлов ҳайъати шикоятдаги, юқорида қайд этилган ҳамда С.Снинг айбсизлиги ҳақидаги важлар жиноят ишининг фактик ҳолатларига мос келмайди деб эътироф этади ҳамда ушбу важлар жиноят иши ҳужжатларида тўпланган, ишга алоқадорлиги ва



ишончилиги нуқтаи назаридан баҳоланган, иш учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқловчи маълумотларни акс эттирган далиллар билан инкор этилади деб ҳисоблайди.

Биринчи инстанция суди, судланувчи С.Сга нисбатан жазо тури ва меъерини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандидаги, “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақидаги тушунтиришларига, ЖКнинг 7-моддасида белгиланган “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак”лиги ҳақидаги инсонпарварлик принципига амал қилиб, судланувчининг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омилларни, жазосини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳуқуқий баҳолаб, шунингдек унинг жазосини енгиллаштирувчи ҳолатларни содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этиб, у айбли деб топилган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ жазо тайинлаб, унга нисбатан ЖКнинг 96-моддасига асосан гиёҳвандликдан мажбурий даволаш чорасини қўллаб, қонуний, асосли ва адолатли тўхташга келган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 162-моддасида, ушбу Кодекснинг 157 ва 158-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда суриштирувчи ёки терговчи шахснинг кийимлари, унинг ёнидаги буюмлари ичидан ёки баданидан топилган, иш учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатларни олиб қўйиши, шахсий тинтув ҳамда нарса ва ҳужжатларни олиб қўйиш тинтилаётган шахс билан бир жинсдаги мутахассис ҳамда холислар иштирокида ўтказилиши мумкинлиги;

163-моддасида, суриштирувчи, терговчи олиб қўйиш ёки тинтув ўтказилгани тўғрисида ушбу Кодекснинг 90 - 92-моддаларида назарда тутилган талабларга риоя қилган ҳолда баённома тузиши, баённомада нарса ва ҳужжатларнинг айнан қаерда ва қандай шароитда топилганлиги, ихтиёрий равишда берилганлиги ёки мажбурий равишда олинганлиги кўрсатилиши лозимлиги, барча олинган нарса ва ҳужжатлар баённомада бирма-бир қайд қилиниб,



уларнинг миқдори, ўлчови, оғирлиги, ҳар қайсисининг ўзига хос белгилари кўрсатилиши, зарурат бўлган тақдирда ўралиши ва муҳрланиши лозимлиги белгиланган.

Ургут туман ИИБ ЖҚБ ходимлари Ш.Сатторов ва С.Маматбоевлар томонидан 2023 йил 4 март куни С.Снинг яшаш хонадонидан ўтказилган тинтув тасвири туширилган видеотасвир кўздан кечирилганда, ИИБ ходимлари томонидан С.С шахсий тинтув қилиниб, ундан уяли телефон аппарати олинганлиги, сўнгра аёл киши (Аниқланишича, С.Снинг турмуш ўртоғи Ҳ.Маннанова) ҳам шахсий тинтувдан ўтказилган бўлса-да, бироқ ушбу ҳолатлар тинтув баённомасида акс эттирилмаганлиги, видеотасвирда акс этган аёл кишининг шахсий тинтуви бир жинсдаги мутахассис ҳамда холислар иштирокида ўтказилмаганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, гувоҳ Ш.Сатторов апелляция инстанциясида, ушбу тинтув давомида С.Снинг хонадонидан бир дона газ баллони ҳам олинганлигини кўрсатиб ўтган бўлса-да, бироқ ушбу ҳолат ва тинтув баённомасида ўз аксини топмаган, шунингдек ушбу бир дона газ баллонининг тақдири мавҳумлигича қолган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>32</sup>-моддасида, апелляция инстанцияси суди ушбу Кодекснинг 298 ва 300-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган ҳолларда, шунингдек тегишли мансабдор шахсларнинг эътиборини суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси жараёнида йўл қўйилган камчиликларга қаратиш зарур бўлган тақдирда хусусий ажрим чиқариши белгиланган.

Судлов ҳайъати, шикоятдаги, ИИБ ходимлари томонидан С.С ва унинг турмуш ўртоғи шахсий тинтув ўтказилишида қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги ҳақидаги важлар ўз тасдиғини топганлиги, бироқ юқорида қайд этилган суриштирув жараёнида йўл қўйилган ҳолатлар, судланувчининг айбдорлиги ёки айбдор эмаслиги тўғрисидаги масалага дахл қилмаслиги ҳамда жиноятни тавсифига таъсир қилмаслиги, С.Сга нисбатан қўлланилган жазо чораси қилмишига мувофиқ бўлганлиги боис, Ургут туман ИИБ ЖҚБ ходимлари Ш.Сатторов ва С.Маматбоев томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни муҳокама этиш, келгусида бу каби қонунбузилиш ҳолатларини келиб чиқишини олдини олиш мақсадида, ушбу ҳолатга хусусий ажрим чиқариш йўли билан муносабат билдирилган ҳолда апелляция шикоятини қисман қаноатлантиришни, шикоятдаги важлар эса, суднинг ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилишга асос бўла олмаслиги сабабли, суднинг ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>26</sup> ва 497<sup>31</sup>-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси суди



## **А Ж Р И М Қ И Л А Д И :**

Жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг 2023 йил 13 июндаги **С.С** Ога нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз қолдирилсин, апелляция шикояти қисман қаноатлантирилсин.

**Раислик қилувчи**  
**Ҳайъат судьялари**

(имзо)

**Б.Алиқулов**

(имзо)

**О.Набиев**

(имзо)

**Ҳ.Ярашов**

Аслига тўғри:

